

# ШАРТНОМА № 24085

(транспорт, машина ва механизмларда хизмат кўрсатиш тўғрисида)

Кува тумани.

«30»май 2022 йил

«БУЮРТМАЧИ» деб аталувчи Кува туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси уз Низоми асосида иш юритувчи корхона директори **М.Рахмонов**, иккинчи томондан «БАЖАРУВЧИ» деб юритиладиган «ТАХТ МИР хусусий корхонаси» уз Низомига кура фаолият курсатувчи рахбар **А.Акбардинов** узаро келишиб ушбу шартномани туздилар.

## I. Шартнома мазмуни

«БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»га йул куриш механизмлари: Асфальтоукладчик ва катоклар учун буюртма беради. «БАЖАРУВЧИ» буюртмага биноан механизм ва транспорт ажратади.

## II. Томонлар мажбуриятлари

2.1 Томонлар шартномани амал килиш даврида куйидаги мажбуриятларни бажаришни уз зиммасига олади.

а) «БАЖАРУВЧИ» ишларни бажариш даврида техника ва харакат хавфсизлиги коидаларига тула жавоб беришни;

б) «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»нинг буюрмасига асосан техник жихатдан соз ва машина-механизм хамда автотранспорт воситаси ажратади;

г) «БАЖАРУВЧИ» бажарилган ишлар буйича бирламчи хужжатларни дархол расмийлаштиради. «БУЮРТМАЧИ» тасдиқлайди;

д) «БАЖАРУВЧИ» буюртмани уз вақтида ва сифатли бажариб беришни кафолатлайди.

е) «БАЖАРУВЧИ» нинг автотранспорт ва механизмларга «БУЮРТМАЧИ» томонидан куйилган ёкилги ва мойлаш махсулотлари суммаси «БАЖАРУВЧИ» кундирадиган хисоб-варак фактурада чегириб хисоб-китоб қилинади.

ж) Шартнома томонлар уртасида имзолангандан сунг Буюртмачи «БАЖАРУВЧИ» хисоб рақамига олдиндан шартнома кийматининг 30 % миқдорида пул утказиб беради.

## III. Шартноманинг баҳоси

3.1 Шартномага асосан кузда тутилган хизматларнинг тахминий киймати амалдаги нархларда **127 000 000** (Бир юз йигирма етти миллион) сумни ташкил этади;

3.2 Шартнома киймати очик хисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган норматив хужжатларга асосан узгариши мумкин;

3.3 Курсатилган хизматлар учун хисоб-китоб механизмларга мото/соат, юк ташувчи транспортларга тн/км хисобида ҳақ туланади;

3.4 Курсатилган хизмат ҳақини хисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11-июндаги «Курилишда амалдаги нархларни асосли аниқланишини таъминлаш тўғрисида»ги №261 сонли қарори, Давлат архитектура ва қурилиш қумитасининг 2003 йил 15-декабрдаги №75 буйруғи билан тасдиқланган «Курилишда ташишлар таннаҳини ва машина механизмларини амалдаги нархларини аниқлаш методик қулланмаси» буйича аниқланган нархларга асосланилади ва шунга кура томонлар уртасида (1-илова) келишув баённомаси тузилади ёки «БУЮРТМАЧИ» тақдим этган, тегишли органлардан экспертизадан утқазилган нархнома (калькуляция) лар асосида хисоб-китоб қилинади ва бу шартноманинг ажралмас қисми хисобланади. (курсатилган хизматлар нархи "Инвестор" томонидан тасдиқланган лойиҳа смета-хужжатларидаги нархлардан ошиб кетмаслиги лозим).

## IV. Томонлар маъсулиятлари

4.1 «БАЖАРУВЧИ» хисобот ойининг 28- санасигача хисоб-фактура орқали курсатилган транспорт ва механизм хизматини «БУЮРТМАЧИ»га тақдим қилади;

4.2 Томонлар уртасида узаро хисоб-китобларни хар чорақда солиштириш далолатномасига асосан текшириб борилади;

4.4 Бажарилган ишлар ёки курсатилган хизматлар учун туловлар уз вақтида амалга оширилмаса «БУЮРТМАЧИ» кечиктирилган хар бир кун учун 0,1 % пеня тулайди;

4.5 Туланидиган пеня киймати шартнома кийматининг 10 % дан ошмаслиги керак;

## V. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

5.1 Томонлардан бири уз мажбуриятини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса мулкий жавобгар хисоланади ва натижада келтирилган зарарни коплаб беради. Шунинг билан бирга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида хамда "Хўжалик юритувчи субъектларни шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунида кўзда тутилган тартиб буйича жавобгарликка тортилади.



## VI. Шартноманинг амал килиниши

6.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилга қадар амалда бўлади;

6.2 Шартноманинг кучини йўқотиши ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар бўйича эътирозларни ниҳоясига етказиб, хал қилиш учун таъсир қилмайди;

6.3 Шартномани ўзгартириш, қўшимча киритиш томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади

## VII. Шартноманинг бекор килиниши

7.1 Мазкур шартнома куйидаги ҳолатларда бекор килиниши мумкин:

- томонлар тўловларни амалга оширишга кодир бўлмай колганда;
- объект консервация килинганда;
- форс-мажор ҳолатлар вужудга келганда;

## VIII. Бошка шартлар.

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида келиб чиккан низолар ўзаро келишув йўли билан хал килинади;

Ўзаро келиша олинмаган низолар Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги доирасида кўриб чиқилади;

## IX. Томонларнинг манзилгоҳлари ва банк реквизитлари.

### «БАЖАРУВЧИ»

«ТАХТ МИР» хусусий корхонаси

Манзил: Куvasой ш. Тожик Муян к-ги

х/р: 20208000504241226001

Банк: Миллийбанк Фаргона вилоят булими

МФО: 00493

СТИД: 201268744, ОКЭД: 47220



А.Ақбардинов

### «БУЮРТМАЧИ»

Кува туман йўллардан фойдаланиш  
унитар корхонаси

Манзил: Кува тумани Зиёкор – 1 куча 5 уй

х/р 20210000500209868001

Банк: ТИФ Миллийбанк» АЖ Фаргона вилоят филиали

МФО: 00493

УИЧ: 200171874, ОКЭД: 42110



М.Рахмонов

## ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Мазкур хулоса Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тугрисида» ги конунининг 21 моддаси асосида тайёрланган.

Тарафлар уртасида тузилаётган ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг тегишли моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тугрисида» ги конунлари билан тартибга солинади.

Шартномада амалдаги конунчиликка биноан шартнома мазмуни ва мақсади, тарафларнинг мажбурият ва ҳуқуқлари, шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда тарафларнинг ўзаро жавобгарлиги, етказилган зарарларнинг ундириш тартиби, ўзаро низоларни хал этиш тартиби каби ҳолатлар уз аксини топган.

Шу муносабат билан ушбу шартноманинг шартлари шартнома тузилаётган вақтда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилик талабларига тугри келади шу сабабдан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман

Хуқуқшунос М. Нуралеев